O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 1-mart, chorshanba, 9 (339)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Қотилликка бошлаган

ГИЁҲВАНДЛИК

Уларнинг қотилликдан орттириб олган пуллари марҳумнинг чўнтагидаги бир ярим минг сўм эди, холос.

3-бет

У ДУНЁ БИЛАН АЛОҚА БОРМИ?

Отамнинг йиғлаганини биринчи марта кўришим эди. Онам вафот этганларида ҳам бунча йиғламаганди. Кейин билсам, отам ҳам марҳума онам билан гаплашган экан.

4-бет

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Жомбой туман кенгаши томонидан Жомбой туманидаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш"марказида "Ҳомийлар ва шифокорлар" йилига бағишлаб «Сиҳат-саломатлик — миллат келажаги" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Партиянинг Наманган шаҳар кенгаши Наманган Давлат университети қошидаги академик лицейда "Соғлом турмуш тарзи — оила бахти ва миллат фаровонлиги" мавзуида учрашув ўтказди.

***

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши бугунги кунда кенгаш олдидаги вазифалар ва келгусидаги режалар бўйича кенгаш фаолларининг йиғилишини ўтказди.

***

ЎзМТДП Бухоро вилояти Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан туманда "Соғлик — энг буюк неъмат " деб номланган тадбир ўтказилди.

***

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 10, 14–сонли ўрта мактабларда партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши томонидан "Буюк аждодларимизга эҳтиром" мавзуида учрашув ўтказилди.

***

Наманган ўқувчи ёшлар техник-ижодиёт марказида ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан"- Иқтидорли болалар — давр нигоҳида"мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Оқдарё тумани кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар бўйича давра суҳбати ўтказилди.

***

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимиятида туман кенгаши ташаббуси билан «Аёл ва миллий қадриятлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

***

Хоразм вилояти Боғот туманидаги Марказий шифохонада "Ҳомийлар ва шифокорлар» йилига бағишлаб партиянинг туман кенгаши томонидан «Эл бойлиги — юрт соғлиги» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Сирғали тумани «Оила» марказида «Аёл — оила меъмори, жамият таянчи» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Жиззах Давлат педагогика институтида партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши томонидан «Давлатнинг ёшларга оид сиёсатида миллий демократик тамойиллар» деб номланган учрашув ташкиллаштирилди.

***

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан партиянинг Ангрен ва Бўка туман кенгашларида «Фаоллик — давр талаби» шиори остида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбир ўтказилди.

* * *

Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида партиянинг Яккасарой туман кенгаши томонидан «Миллий тараққиёт — миллат келажаги» деб номланган тадбир ўтказилди.

***

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Бўз–2» маҳалласида туман кенгаши томонидан «Ҳомийлик — эзгулик йўлидаги қадам» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан Пешку туманида «Ҳомийлик — инсонпарварлик дегани» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Партиянинг Хоразм вилояти кенгаши томонидан Янгиариқ туманидаги касб-ҳунар коллежида «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

***

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Ангор туман кенгаши томонидан «Миллат келажаги — ёшлар нигоҳида» деб номланган тадбир ўтказилди.

***

Наманган вилояти Косон тумани Халқ таълими бўлимида партиянинг туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва ташкил этиш юзасидан йиғилиш ўтказди.

***

Андижон вилояти Асака туманидаги 9-сонли мактабда партиянинг туман кенгаши томонидан «Биз диний ақидапарастликка ҳамда халқаро терроризмга қаршимиз» шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

ТАШРИФИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, БАҲОР!

Баҳор қувончини қиш бўйи кўкламни кутган кўнгиллар яхши билади. Лекин қиш бўйи кутганинг — Баҳор қандай кириб келганини англолмай қоласан. У ўз-ўзича кириб келади. Асли кўнгилда доим баҳор бўлганига не етсин!

Баҳор нафасини сезгандан, ҳали дарахтлар куртакламай туриб, кўнгилда умидлар, янги орзулар уйғонади. Борлиқ уйғонишига монанд уйғонади кўнгил.

"Сурхондарёда бодом гуллади", — деган хабар етади бир кун. Ва бутун Ўзбекиртга воҳадаги бодом гулларидан ифорлар таралади. Болалар қир-адирлардан териб келган чучмома—ю бойчечакларни кўзларига суртиб омонлиқ-сомонлиқ қилади кексалар. Нуроний боболар ёруғ ниятлар билан набираларини боғларга етаклайдилар. Бободеҳқон ерга умид билан уруғ қадайди. Бутун элга ризқ-рўз, улуғ насибалар билан келади кўклам.

Тўрт томонда эзгулик нафаси энг гўзал куйдек, қушиқдек кезади. Қароғларда меҳр ғунчалайди. Борлиқни борлиғи билан бағрингга босгинг келади.

Умрингга кўклам отлиғ байрам кириб келади. Осмон кенгаяди, унга монанд кўнглинг ҳам. Юрагингдаги чексиз қувончлар қўшиққа дўниб, тилларингдан тўкила бошлайди. Баҳор — шоир фасл, ҳофиз фасл. Тилингдаги, дилингдаги тугунларни ечади.

Баҳор — самимият, чексиз самимият. Унга қараб туриб айбларингга, гуноҳларингга тавбалар қилгинг келади. Бу самимият олдида ўзинг ҳатто ўзингга ёлғондек туюла бошлайсан. Ростларга, чинларга, Ўзингга, Ўзлигингга қайтгинг келади. Бир вужуд Дил, бошдан-оёқ Кўнгил бўлгинг келади. Шу эмасми Баҳорнинг мўъжизалиги?!

Барибир юрак яна соғинаверади нималарнидир. Балки Баҳорнидир?.. Баҳорда туриб Баҳорни соғинасан. Сен кутган Баҳор бошқача бўлиши керакдек, ўзгачароқ кириб келиши керакдек гўё, кутаверасан. Лекин Баҳор — шу, сени уйғотган, кўнглингга дийдорлар қувончини берган, насимлари билан эркалаётган... Уни ҳис қила билиш керак. Ҳис қилиш эса... Яна бир баҳорга етганингга шукрона келтириш.

Баҳор. Барқут кийиб безанди боғлар,
Далалар кўксига тақди қизғалдоқ...

Ҳали у кунларга озроқ бор. Озгина... Бу дийдорлар, бу қувончлар ҳали бошланиши. Бу кунлар ҳали арафа. Энг гўзал байрам — тириклик айёмларининг арафаси.

Юрак севинчга, беадад, англаб бўлмас соғинчларга тўладиган кунларга, кўнгил ўзидек бепоён кенгликларга, юртнинг кўклам сеп ёйган воҳалару водийларига талпинадиган кунлар арафаси. Юракда бошланажак байрамлар арафаси.

Бу арафалар, келажак байрамлар қутлуғ бўлсин ҳар кўнгилга. Кўнгил боғларидан бошланган кўклам абадий бўлсин.

Ташрифинг қутлуғ, келганинг рост бўлсин, Баҳор!

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АЁЛ ЎРНИ

Шу мавзуда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида икки кунлик илмий–амалий семинар бўлиб ўтди. Сиёсий партиялардан вакилалар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари мутахассислари, маориф ва тиббиётда, шунингдек, хотин-қизлар орасида фаолият юритаётган ташкилотчилар иштирок этган мазкур семинарни кириш сўзи билан очган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори вазифасини бажарувчи F.Абдукаримов, семинарга раҳбарликни зиммасига олган халқаро Конрад Аденауэр жамғармаси вакили, фан номзоди Н.Муравева ушбу анжуманни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад борасида сўз юритишди.

Семинарда аёл шахсияти, унинг жамият ва оиладаги ўрни, лидер сифатида сиёсий майдонга чиқиши ва унга бу борада рўбарў келувчи муаммолар хусусида фикрлар айтилди. Етарли тажриба, билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган олимлар маъруза қилдилар. Маъруза ва суҳбатларда аёлларнинг ижтимоий мақоми, ваколатлилик жиҳатларига эътибор қаратилди. Демократик тизимда лидер аёллар нуфузи масаласи ва бунга мамлакатимиз миқёсида берилаётган эътибор, етакчиларнинг оммавий ахборот воситалари билан қай даражада иш олиб бориши, ўз навбатида аёллар фаолиятини ёритувчи алоҳида нашрларга муносабат билдирилди. Шу билан бир қаторда, репродуктив саломатлик, «Оила кодекси» ва «Никоҳ» шартномасига муносабатлар талаб даражасида бўлмаётганлиги оқибатида юзага келаётган муаммолар юзасидан мулоҳаза юритилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбарлари — фан номзодлари С.Хўжаева, Н.Зоҳидова, Б.Исмоилов, ЎзМУ кафедра мудири А.Татибоев, доцент Т.Курбонов ҳамда Чирчиқ шаҳридаги аёлларнинг ижтимоий мавқеини орттириш борасида фаолият юритаётганмахсус Марказ директори Т.Заиченколарнинг маъруза ва суҳбатлари, ишчан ўйин тарзидаги баҳс ва мунозаралари семинар қатнашчиларининг кўникма ва билимларини кенгайтирди.

Семинар сўнгида қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси

ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Ҳар бир сиёсий партиянинг бугунги долзарб вазифаларидан бири, халқнинг маълум қатламини ўз сафларида жамлаш, ўз электоратига эга бўлиш, партия шаъни учун курашадиган жонкуяр аъзоларни бирлаштиришдан иборатдир.

Юртдошларимиз дунёқарашидаги кескин ижобий ўзгаришлар, уларда Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳисса қўшиш, юрт истиқболи учун масъулият сезиш каби туйғуларнинг шаклланиши истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздандир. Бу туйғуларнинг шаклланишида сиёсий партиялар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши ҳам миллий тикланиш ғояларини тарғиб этиш мақсадида ўзининг тадбирлар режаси бўйича вилоятнинг турли жойларида маънавий-маърифий тадбирлар, турли хил кўрик-танловлар уюштирмоқда.

Шулар билан бир қаторда, вилоят кенгаши ташаббуси билан барча туманларда ҳар ойда бир марта партия ўқуви, семинар-тренинглар ташкил этилган. Унда барча туман кенгашлари раислари, партиямиздан сайланган депутатлар, партия фаоллари ва бошқа фуқаролар қатнашмоқда. Бундай учрашув ва жонли мулоқотлар аҳоли сиёсий онгини ошириб, уларнинг фуқаролик жамияти қуриш ишларининг фаол иштирокчиларига айланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши жойларда партиямиздан сайланган депутатлар ва аҳоли ўртасида учрашувлар ташкил этиш режасини ишлаб чиққан. Шу режа асосида ўтказилаётган мулоқотларда халқни қийнаётган муаммоларни ечиш йўллари юзасидан мулоҳазалар билдирилиб, зарур бўлганда халқ вакиллари бу муаммоларни ваколатлари доирасида керакли жойларга кўтариб чиқишмоқда. Масалан, бундай учрашувлар натижасида Жиззах туманидаги Ёйилма маҳалласи, Арнасой туманидаги Ғолиблар кўрғонида депутатларимизнинг ташаббуси ва ғайрати билан аҳоли учун долзарб бўлган муаммолар ҳомийларни жалб қилиш, ҳокимият идоралари эътиборини тортиш йўли билан ўз ечимини топди. Бундай тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар халқимизнинг партиямизга хайрихоҳлигини ошириши шубҳасиз.

Зеро, бизнинг бош мақсадимиз ҳам ЎзМТДП дастурида таъкидланганидек: «Миллат ва халқнинг бахт-саодат ҳақидаги орзу-армонлари намоён бўладиган миллий истиқболни яратиш учун Ўзбекистон фуқароларини давлат ва жамият қурилишининг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтиришдан иборат»дир.

Фурқат Тошбоев,
ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари

ИЛК ҚАДАМ

Паркент туманининг «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йиғинида партия бошланғич ташкилоти тузилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у ўз атрофига фаол аъзоларни йиға олди. Ҳ.Жаматова раислигида фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилоти Д.Холисова, Д.Иноғомова, Х.Ёқубова каби аъзолар билан биргаликда миллий тикланиш ғояларига ҳамоҳанг эзгу вазифаларни амалга оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Феврал ойида буюк боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудлари муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳам шу мақсадда қўйилган илк қадамлардир.

КИМ НИМА ДЕДИ?

— Сиёсий партия таклиф ва ташаббус билан тирик.

Ботир ЖЎРАЕВ (Зангиота)

ЛУҚМАНИ ҲАЛОЛЛАШ ОСОНМИ?

ёки бозорларда балиқ қимматлашиб бораётгани хусусида

Балиқни лукмаи ҳалол, дейди халқимиз. Балиқ еган одамнинг тушлари ўнгланади, кўзи равшан бўлади.

Шу боис балиқ сотилаётганини кўрганлар олмаса ҳам балиқнинг нархини сўраб ўтишади. Бир киши жиддийроқ савдолашди, балиқнинг нархи қимматроқ туюлди шекилли, кета туриб «ойлик чиққанда келарман» деб қўйди.

Ҳамма жойда балиқнинг нархи баланд. Сотувчилар билан савдолашиб кўрсангиз, ўзим фалон сўмдан олганман, фалон сўмингиз қолади бизга, бундан арзонини тополмайсиз, деган жавобни эшитасиз.

Шаҳримиздаги «Бешёғоч» бозорида бўлиб, шу ерда балиқ билан савдо қилаётган икки опахонни суҳбатга тортдик.

–Аввал Сергели бозорида савдо қилардик, –дейди сотувчи Марҳабо Тиловхонова.–«Бешёғоч» бозорига келганимизга ҳам икки йил бўлиб қолди. Бизда балиқнинг нархи бошқа бозорларга қарагандa арзонроқ. Нега десангиз, бу ерга балиқ Сирдарёдан тўғри олиб келинади. Рамазон ойи олдидан балиқнинг харидорлари кўпайиб қолиши ҳам шундан. Ҳозир ҳам савдо ёмон эмас.

Сотувчи опамиз гапираётганда бир нарса унутди чоғи, рамазон ойи келяпти дегунча балиқнинг нархи икки-уч баробарга кўтарилиб кетади. Кейин аввалги нархини «тушингизда кўрасиз». Мана, ҳозиргача ўша кўтарилган нарх-наво ўзгаргани йўқ. Инсофу диёнатни унутган балиқчилар учун рўза ойи арафаси энг «пултопар» мавсум. Бозорларни айланиб «инсоф сари барака» деган гап эсингизга келади. Ахир савдода ҳалоллик бўлса, топганингизнинг баракаси бўлади, дейди халқимиз.

– Аввалари Тошкент шаҳрида тирик балиқ сотиладиган дўконлар кўп бўларди, – деди харидорлардан бири. – Ҳозир балиқ егингиз келса, шу ернинг ўзида қовуриб беришади. Лекин мазаси аввалгидек эмас. Очиғини айтиш керак, олдин гўшт олишга қурби етмаганлар балиқ сотиб олишган бўлса, ҳозир бунинг акси бўляпти. Бозорга атайин балиқ олгани тушгандим. Уйда вақти-вақти билан балиқхўрлик қилиб турамиз.

Илгари гўшт қиммат эди, балиқ ердик, энди балиқ қиммат, гўшт оляпмиз.

(Қулоққа чалинган гап)

Харидорларнинг гапида жон бор, тез-тез балиқ олиб туришни кўпчиликнинг «чўнтаги кўтармаяпти»! Балиқ бозорларини айланганимизда ва пойтахтимиздаги аҳоли гавжум жойларда, бекатларда дудланган балиқни сотишда кўпинча гигиена қоидаларига риоя қилинмаслигига гувоҳ бўлдик. Балиқни қовуриб сотишгани яхшику-я, нархи яна бир ярим баробарга қимматлашиб кетгани ёмон-да! Бунинг устига балиқ қовуриб сотишда ҳам санитария-эпидемиология талабларига амал қилинмайди. Республикамизнинг кўпгина вилоятларида, хусусан, Тошкент вилоятида балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишда сифат сертификати олмай савдо қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Кейинги йилларда балиқ овлашда портловчи моддалар, электр токидан ва карахт қиладиган моддалардан фойдаланиш авж олди. Бундай балиқ овлаш тақиқланган. Браконерлар билан доимий кураш олиб борилса-да, ҳали-ҳануз балиқ овлашда ана шундай зарарли усуллардан фойдаланилмоқда. Оқибатда мамлакатимиздаги ички сув ҳавзаларида балиқлар ниҳоятда камайиб кетмоқда. Балиқ нархининг қимматлашиб кетаётганига ҳам маълум даражада айнан шу нарса сабаб бўлаётганини инкор этиш мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда)

Миллий тиклани — миллат кемаси
MILLIY TIKLANISH

ЛУҚМАНИ ҲАЛОЛЛАШ ОСОНМИ?

Биз балиқ билан савдо қилаётган кишилардан мана шу ҳақда сўраганимизда уларнинг ўзи ҳам буни тан олишди.

— Балиқ тутишда электр токидан фойдаланилганда майда балиқлар қирилиб кетади. Лекин... шу усулдан фойдаланадиганлар кўплиги рост гап, – дейди ўзини танитишни истамаган бир сотувчи. – Ҳозир Янги Чиноз-нинг балиқ бозорига асосан Айдаркўлдан, қўшни Қозоғистон Республикасидан, қисман Чирчиқ ва Сирдарё дарёларидан, Бўзсув каналидан ушланган балиқлар олиб келинади. Ўзим 10 йилдан бери балиқ билан савдо қиламан. Қишки мавсумда балиқ тутиш осон эмас, балиқ охирги харидорига етиб боргунича 4-5 та қўлдан ўтгани учун ҳам қиммат. Бунинг устига йўл харажатлари, солиқ ва патта учун тўловлар...

«Чиноз балиғидан емабсиз, дунёга келмабсиз», — дейди тили бурро сотувчилардан бири овозини баландлатиб. Ўзбекистонда Чиноз балиғининг ширин таъмини билмаган одам кам топилади. Аслида республикамиздаги балиқ бозорларининг энг каттаси ҳам шу бозор ҳисобланади. Хоразм ва Каттақўрғонда ҳам балиқ билан улгуржи савдо қилинадиган бозорлар борлигини эшитганмиз. Улгуржи савдо қилаётган «балиқчилар»нинг доимий мижозлари бор. Бозорни айланиб балиқнинг нархини суриштирдик. Лаққа балиқнинг килоси катта-кичиклигига қараб 2 ярим минг сўмгача, судак 2000, илонбалиқ 1000 сўмгача, карас 2000 сўмгача, толстолоб 2000 сўмгача, сазан эса 3000 сўмгача "балиқчилар"нинг тили билан айтганда "оптом"га сотилади. Бу ерда Қуйи Чирчиқ балиқчилик хўжалигидан, Чордарадан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан олиб келинган балиқлар ҳам бор. Янги Чиноз балиқ бозорида бир кунда 30-40 тонна балиқ билан улгуржи савдо қилинади.

Балиқ бозорида савдосотиқ ишлари ярим тунда бошланади, тонг ёришгунича харид қилинган балиқлар республикамизнинг ҳамма вилоятларига тарқалиб кетади.

— Балиқ бозорида ярим тунда савдо қизийди, — дейди бир опахон. — Фақат бу ерда сув, электр токи муаммоси бор. Қоронғуда савдо қилиш анча ноқулайлигини айтмаганда, бу ерда балиқнинг бозори чаққон.

Қоронғуда қилинган савдо-сотиқда ғирромлик бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Бунинг устига ярим тунда савдо қилишнинг нима кераги бор? Бозорда кундузи савдо қилинганига нима етсин! Наҳотки, шундай катта балиқ бозоридаги ноқулай аҳволни ўзгартиришнинг иложи бўлмаса?!

Жаҳон бўйича ҳар йили 50 миллион тоннага яқин балиқ овланади. Дунёда балиқларнинг асосий қисми

Биз қачон денгиз балиқларини истеъмол қиламиз?!

денгизларда овланса, мамлакатимизда ички сув ҳавзаларида овланади. Зоғора балиқ, илонбош, сазан, толстолоб, карас, лаққа, оқ амур, оқча асосий овланадиган балиқлардир. Балиқ гўшти ва икраси хуштаъм таом ҳисоблангани учун унинг харидорлари ҳамма вақт топилади.

Балиқ гўшти тўйимлилиги ва таъми билан гўштдан қолишмайди, аммо ҳазм бўлиши жиҳатидан гўштдан устун туради, дейди мутахассислар. Балиқдан тайёрланган овқатлар, айниқса, балиқ шўрва меъда ширасини гўштга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарар экан. Олимларнинг тавсияларига кўра ҳафтада икки кун балиқ истеъмол қилиш ошқозон, ичак саратонига чалиниш хавфини 30-50 фоизга камайтиради. Балиқли парҳезга риоя қилиш ҳомиладор аёллар учун ҳам ниҳоятда фойдали. Бундан ташқари, мутахассис шифокорлар депрессия (руҳий тушкунлик) хасталигида ҳам балиқли парҳез таомлар истеъмол қилинишини тавсия қилишган.

Дарҳақиқат, инсон организми учун ҳар томонлама фойдали бўлган бу сув неъматининг кўпайиши, арзон нархда сотилиши учун, аввало, балиқчиликни ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, янги балиқчилик фермер хўжаликларини ташкил этиш, балиқчиликда қайта ишлашни йўлга қўйиш, хуллас, бу соҳага жиддий эътибор бериш керак! Янги Чиноз бозоридан унча узоқ бўлмаган Чиноз деҳқон бозоридаги балиқнинг нархи билан пойтахт бозорларидаги нарх-навони солиштирсак, деярли бир хил экан. Балиқ нархининг қимматлигига юқорида "балиқчи" акамиз айтган нарсалар сабаб бўлаётганини инкор этиб бўлмайди.

Пойтахтимизда алоҳида балиқ билан савдо қилинадиган дўконлар очилса, сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам анча қулай бўларди. Яна бир нарса, юқорида айтилган фойдали хусусиятлар кўпроқ денгиз балиқларида бўлади. Биз қачон денгиз балиқларини истеъмол қиламиз?! Балиқ бозорларида бўлганимизда кўпчиликнинг «Негадир балиқларнинг мазаси аввалгидек эмас», деган эътирозларида ҳам жон бор. Бу норози кайфиятнинг пайдо бўлаётгани республикамизда балиқ боқишга етарлича эътибор берилмай, оқсаб қолаётганидандир. Балиқнинг қарови яхши бўлса, мазаси яхши бўлади-да. Мавзуга яқинроқ кириб борганимиз сари қилиниши зарур бўлган ишлар ҳам кўзга яққол ташланаверади. Балиқ – етти хазинанинг бири, дейилиши бежиз эмас. Балиқчилик саноати чиқиндиларидан чорва моллари, паррандалар учун балиқ уни, қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқарилади. Балиқ мойи фармацевтикада витаминли дори ҳисобланади. Аксарият балиқларнинг гўштида 15-26% оқсил моддаси, 0,9-2%гача минерал моддалар, 0,1-30% ёғ бўлади. Балиқ ёғи инсон организми учун жуда фойдалидир. Балиқ ёғи сут эмизувчи ҳайвонлар ёғидан фарқли равишда суюқ ва кислоталарга бой бўлади. Ана шу ёғ кислоталари инсон организмида модда алмашинуви жараёнида муҳим ўрин тутади. Балиқ мойи рахит, шабкўрликнинг олдини олиш ва даволашда, суяк синганда битишини тезлаштириш учун ишлатилади. Жароҳат, яра-чақа ва куйган жойларни даволашда сиртдан ишлатилади. Хуллас, балиқ — кони фойда.

Демак, балиқчиликка эътибор қаратиш ҳар томонлама зарур, бу билан янги иш ўринларини очиш ҳам мумкин. Мақоламизга сарлавҳа бўлган саволга жавоб ахтариб балиқ бозорларидаги аҳволни кузатдик ва ўзимизча хулоса чиқардик. Бу ҳақда балиқчилик соҳаси мутасаддилари нима деркин?

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА



«Қариси бор уйнинг париси бор», — дейди доно халқимиз. Чиндан кексаларимиз хонадонларимизнинг файзи, чароғи. Уларнинг насиҳатлари, ҳикматлари ҳаёт йўлларимизни равон қилади, қилган дуолари умримизга мазмун бахш этади.

Яктак–чопонлари, дўппиларида асл ўзбеклик балқиган, юз-кўзларида нуроний салобат акс этган, ҳар сўзи ҳикмат, дуога йўғрилган кекса боболаримиз давраларимизнинг файзи, фариштаси — чинорларимиз бизнинг бахтимиз, зурёдларнинг бахтидир.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа

БОЗОРДАГИ БОЛА

Тирикчилик, рўзғор ташвиши билан бозорга тушгандим. Кундалик рўзғор учун зарур бўлган нарсаларни харид қилиб, хаёл сурганча кетаётсам, кимдир сумкамдан тортгандай бўлди. Хаёлимга "Ўғри!" деган фикр келиб, шошиб ўгирилсам, 10-12 ёшлардаги ўсиқ сочлари тагидан кўзлари жавдираб турган, юзлари, қўллари, кийимлари кир бир болакай. Юзимда ғазаб кўринди, шекилли, болакай кўзларини пирпиратиб: "Сизга арава керакмасми, опажон?" — деди аллақандай ялинчоқ оҳангда. Болани қўрқитиб юборганимни сездим. Иложи борича мулойим қилиб: "Йўқ, арава керакмас, кўриб турибсан-ку, юким ҳам кўп эмас, ўғлим", — деб қўйдим. Ғап оҳангимдаги юмшоқликдан болакай анча дадилланди. "Келинг, опажон, майли қанча берсангиз ҳам, юкингизни ортинг", — деб ялинди.

Табиатан жуда кўнглим бўшлигидан, бунинг устига музтар қиёфасидан юрагим эзилиб болага "йўқ" дея олмадим. "Хўп, қанча сўрайсан?" — дедим атайлаб. "Қанча берсангиз ҳам майли, бекатгача олиб бориб қўяман". Йўл-йўлакай уни саволга тутиб бордим.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида, — хоҳламайгина жавоб берди у.

— Бугун ўқишга бормадингми?

Бола жавоб бергиси келмай, бошини қимирлатиб қўя қолди. Мен эса уни яна саволга тутдим.

— Ота-онанг билишадими бу ердалигингни?

— Ҳм-м...

— Индашмайдими, мактабга бор, дейишмайдими?

— Дейишади...

— Унда нега бормайсан?

Бола: "Ўзлари пул топиб беришолмайди-да", — деб тўнғиллаб қўйди.

— Мактабда ўқишнинг ўзи бўладими, ҳар куни пул керак, — бироз жимликдан сўнг ўзи гап бошлади. — Мен ёмон иш қилаётганим йўқ-ку, меҳнат қилиб пул топяпман.

Кейин кимдандир эшитган шекилли, салмоқлаб: "Меҳнатнинг айби йўқ", — деб қўйди...

Ортиқ савол беришга ҳолим қолмади. Боланинг озғин жуссасига, жовдираган кўзларига, ўсиқ сочларига қараб томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди...

...Тўғри айтасан, болам, меҳнатнинг айби йўқ. Фақат ҳамма нарсанинг ўз ўрнида бўлгани яхши. Бу ўринда ота-онангни ҳам айблай олмайман. Жовдираб турган кўзинг, музтар чеҳрангни кўриб эзилган кўнглимни сенга очгим келди.

Сен ҳали улғайиб, ўз меҳнатинг билан яхши кунларга етишарсан. Атрофингда биродарларинг, ёру дўстларинг кўпайиб, қўлингни узатсанг, ҳар томонга етадиган бўлар. Лекин... ўша пайтда айни тенгқурларинг билан ўйнаб-куладиган, беозор шўхликлар қиладиган, касб-ҳунар сирларини ўрганадиган, билим оладиган ("Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир", деб бежиз айтилмаган, ахир) болаликни қаердан топасан, болам?!

Асолат АҲМАДҚУЛ қизи

САХОВАТ — РУҲИЯТ ТАРБИЯЧИСИ

Элдор ўзини ректоратдан йўқлашаётганини эшитиб, кўнглига ғашлик оралади. Шартнома тўловини амалга оширишни эслатишади... Лекин бунинг учун шахсан ректорнинг ўзи чақириб ўтирмаса керак. Бирон айб ўтдимикан ундан? Йўқ, ножўя ҳаракат қилмаган.

Элдор шундай хаёллар билан котиба кузатувида университет ректори Содиқжон Қосимов ҳузурига кирди.

— Келинг, Элдоржон. Ўқишлар яхшими, қишлоққа, ота-онангизга қўнғироқ қилиб турибсизми?

— Бувижон, яхши ўқиганим учун мукофот тариқасида шартнома пулини ҳомий ташкилот ўтказиб берди.

— Вой, ростданми, болам? Илоҳим, оғиримизни енгил қилганлар барака топишсин! Мартабалари бундан ҳам баланд бўлсин, бола–чақаларининг роҳатини кўришсин!

Элдор бувиси билан хайрлашар экан, қалбида янги-янги орзу-умидлар туғён урди. У ўзини бир неча ёшга улғайгандек ҳис этарди...

Бу йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланди. Бу эса ҳомийликнинг ҳуқуқий мақомга эга бўлганидан далолат. Ҳатто ҳомийлик фатга ҳомийлик қилишдир. Қадим-қадимдан, айниқса, ҳазрат Навоий яшаган замонда ҳомийлик давлат ишлари даражасига кўтарилган. Бу хайрли иш бугунги кунга келиб юртимизда давлат сиёсати миқёсига чиқди. Айниқса, ректорнинг билдирган ишончи, иккинчи томондан ота-онасини ўйлантираётган муаммонинг ечилгани қувончи билан уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни бувиси кўтарди.

— Бувинг ўргилсин, Элдоржон. Раҳмат, болам. Эл олдида юзимизни ёруғ қилдинг. Куни кеча университетинг ректори номидан ота-онангга ёзилган ташаккурнома олдик. Бошимиз осмонга етди.

— Дадам уйдами?

— Даданг шартномангга пул топиш ташвишида кетганди.

— Бувижон, дадамга айтинг, пул керак эмас.

— Нега ундай дейсан, болам? Хавотир олма, пул, албатта, топилади. Ахир не-не умидлар билан ўқишга киргансан-а, болам...

— Ҳожат йўқ. Биз сизга ишонамиз.

— Ташаккур, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Элдор ректор ҳузуридан чиқар экан, қилаётган ишлари, ҳаракатлари беэътибор қолдирилмаганидан хурсанд бўлди. Энди олдидаги бурч ва масъулиятлари янада ортишини ҳис қилиб турса ҳам, руҳи енгил эди. Чунки яқинда Бухоронинг Шофирконида яшовчи ота-онасига телефон қилиб, ўқиш учун шартнома тўлови тезлаштирилмаса бўлмаслигини эслатганди. Бир томондан



Элдор салом берар экан, умрида биринчи марта ҳамсуҳбат бўлаётган ректорнинг худди эски қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўраганидан қувониб кетди.

— Элдоржон, мен сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар эшитдим. Сиздаги илмга интилиш, намунали талаба бўлишга иштиёқингиздан хурсандман. Биласизми, Электромагнит мослашув маркази корхонаси «Энг иқтидорли талаба»нинг шартнома тўловига ҳомийлик қилиш таклифи билан чиққанди. «Хабар» газетаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ректорат таклифи билан сиз шундай имтиёзга эга бўлдингиз.

— Минг раҳмат, домла, лекин...

— Ҳеч қандай лекинга қилган ташкилотларга имтиёзлар ҳам берилаётир.

Дунёда саховатли инсонлар кўп. Улар бева–бечоралардан, ногиронлардан, қариялардан меҳр–шафқат, мурувватларини аяшмайди.

Бозор иқтисоди шароитида кимдир давлатини кўз-кўз қилиб, қўша-қўша ҳашаматли уйлар қуради, яна кимдир дабдабали тўйлар қилади. (Дарвоқе, Элдор Акрамов «Миллий тикланиш» газетамизнинг энг фаол жамоатчи мухбири. Яқинда эълон қилинган «Тўй пойгаси қачонгача?» сарлавҳали мақоласида ҳам шу ижтимоий иллат ҳақидаги фикрларини баён этган.) Аммо шундай меҳридарё инсонлар ҳам борки, улар жамият учун, келажак учун, ёшлар камолоти учун қайғуриб яшашади. Бу илм аҳлига, маърифатидорли талабалар учун ҳомий ташкилот ва корхоналар томонидан ўқиш учун шартнома тўловлари амалга оширилаётгани айни муддао бўлаётир.

— Ўзим ва оила аъзоларим номидан Электромагнит мослашув маркази жамоасига ва марказ раҳбари Рустам ака Мансуровга чин дилдан миннатдорчилик билдираман, — дейди Элдор Акрамов.

Ҳа, Ўзбекистонимизда фавқулодда иқтидор эгалари бўлган ёшлар кўп. Шундай ёшлардан айрим иқтисодий имкониятлари чекланганларини қўллаб-қувватлаш эса чин маънода шарафли ишдир.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Суратда: Элдор Акрамов

Жорий йилимизнинг бош шиори қалбларимизни яна бир бор тўлқинлантирди. Миллат тақдири учун қайғуриш, вужудларда ухлаб ётган аслиятни уйғотиш йўлидаги жонбозлик изчил давом этажагига амин бўлдик.

ҲИММАТ ВА МУРУВВАТ САБОҚЛАРИ

Тарихда «Уйғониш даври» номи билан эъзозланадиган Марказий Осиё тамаддуни башариятга бебаҳо мерос қолдирганини биламиз. Ибн Сино, Форобий, Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий сингари юзлаб мутафаккирлар мероси, Амир Темур, Мирзо Бобурлар асос солган ва уларнинг даврида гуллаб-яшнаган улкан салтанатлар, барпо этилган обидалар аждодларимиз салоҳиятидан, кенг қувваи ҳофизаларидан далолатдир.

Юртбошимиз Ватанимизнинг, халқимизнинг иқболи ҳақида гапирганларида доимо бир жиҳатга эътиборимизни қаратадилар, унга асосланиб, мустақилликка эришганимиздан буён оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, спортни ривожлантириш, халқимиз сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар давом эттирилмоқда. Саломатлик масаласи, очиқ гапки, давлат аҳамиятидаги бош масалалардан бири сифатида эътибордан тушган эмас. Изчил давом эттирилаётган ислоҳотлар эса бир-бирини тўлдириб бораётган йиллар силсиласида муҳрланмоқда.

Ана шундай дамларда бу залворли одимларимизда мовий тасмадек кўзга ташланиб туриши лозим бўлган йилимизнинг бош шиорини юзаки тушунишлари афсусли ҳолдир. Ўтган 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб номланган эди. Қабул қилинган Давлат дастури асосида ҳар бир корхона ўз дастурини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши назарда тутилганди. Лекин ачинарлиси, иш юзасидан жойларда бўлганимизда баъзи туманларнинг молия бўлимлари мудирлари «бу масала билан да қиладиган ишларимиздан, меҳнатимиздан, саъй-ҳаракатларимиздан назарда тутилаётган энг хайрли ният нимадан иборат эканлигини ҳамма-ҳамма англаса дейсиз. Шу жиҳатдан «Ҳомийлар шифокорларни қўллайди», деган жавоб ўта ғариб, ўта тор тушунчадир. Бу ўринда «Мамлакатимиздаги иши юришиб турган корхоналар, тадбиркорлар, фермерлар, саховатпеша кишилар юрт ободлиги, эл саломатлиги йўлида ҳиммат кўрсатишга даъват этилмоқда», дейиш мақсадга мувофиқдир. Меҳрибонлик ва саховат уйлари, етимлар, ёлғизлар, ногиронлар, қўйингки, меҳру мурувватга зор бўлганлар кўпроқ ҳимояга олинади, бу хайрли ишларда шифокорларнинг ўзлари ҳам ҳомий бўлишлари мумкин, дейилса фикр равшанроқ бўлур эди.

Ҳар йили Давлат дастурлари асосида катта ҳажмдаги ишлар қилинмоқда. Бироқ «Ҳар тўкисда бир нуқс», деганларидек айрим туманларда давлат аҳамиятидаги ишларга панжа орасидан қараш ҳоллари ҳам учрайди. Фикримизнинг далили сифатида бир мисол келтириб ўтмоқчимиз.

Пайариқ Самарқанд вилоятининг табиий шароити мураккаброқ туманларидан ҳисобланади. Туманда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Қиш мавсумида ўтин, кўмир анқонинг уруғидай гап. Туманда салкам 21 минг нафар нафақахўр мавжуд. Уларнинг 11 минг 995 нафари ёшга доир таъминотда бўлишса, қолганлари турли касалликлар туфайли ҳимояга олинган. Суҳбатларимиз, учрашувларимиздан аён бўлдики, нафақахўрлар айрим ойларда бериладиган пулларни вақтида олишолмаган.

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Б.Умаров берган маълумотларга кўра, 30 нафар киши меҳнатда майибланганлиги ва касб касаллиги бўйича нафақа олиши лозим. Ушбу нафақа улар меҳнат қилган корхоналардан ундирилиши керак. Афсуски, январ ойи ҳам ўтиб бўлдики, қатор корхоналар — «Халқобод», «Янгиобод», «Дўстлик» МТП, «Мадат» МТП, Челак МТПлари ҳамон хаста ёки кўнгилсизликка дучор бўлган собиқ ходимлари, уларнинг оила аъзолари олдидаги бурчларини бажаришдан бош тортиб келишмоқда. Уларнинг «Сиҳат-саломатлик йили»да дардмандларга тўлаши лозим бўлган, бироқ ҳамон гарданларида чўяндай осилиб турган қарз 10 миллион 328 минг 369 сўмни ташкил этади.

Хўш, энди биз туман раҳбарларидан «Сиҳат саломатлик йили» Давлат дастури ижроси қандай таъминланди?» — деб сўрашга ҳақлимизми ёки йўқми? Туманда тиббиёт соҳасида қилинаётган ишлар ногиронлар тақдирига соя солмасин, ҳимоя қоғозлардагина қолиб кетмасин, камчиликлар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да давом этмасин, деган ниятда ҳам ана шундай саволни ўртага ташлашга ҳақлимиз.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз бу сингари кўнгилсиз ҳолатларнинг тобора камайишини истаймиз. Кўпчиликнинг хоҳиш-истаги шундай бўлса, ишончимиз комилки, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га кўп нарсалар бера оламиз ва йилимизнинг ҳам ўзидан умидвор бўлиб турганларга ҳадялари бисёр бўлади.

Ўктам ҚУРБОНОВ, «Миллий тикланиш» мухбири

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

шифохоналар шуғулланади, молиялаштириб берилмоқда», дейишдан нарига ўта олишмаган. Айрим йирик-йирик корхоналар раҳбарлари жамоа аъзоларининг сиҳат-саломатлиги, ижтимоий ҳимояси, спорт билан шуғулланиши, техника хавфсизлиги, кайфияти, оилавий шароити билан қизиқиши Давлат дастури ижросига нақадар алоқадор эканини тушунмай ҳам ўтишди.

Суҳбатларда: «Йилимизнинг бош шиоридан кўзда тутилган асосий мақсад нима?» — деган саволга ҳар ўн кишидан тўрт нафари «Ҳомийлар шифохоналарни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашса керак-да», дея жавоб беришмоқда.

Биз ҳеч кимни ўқитмоқчи эмасмиз. Бироқ йил давомида ҳамма-ҳамма ишонишимизни истайдилар. Бу буюк аждодларимиз генлари авлодлар оша яшаб келаётгани, имконият туғилса унинг уйғониши муқаррар эканлиги тўғрисидаги улуғ башоратдан иборатдир. (Эҳтимол, башоратнинг илк гавҳар исботи Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганлигидир.)

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан буён оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, спортни ривожлантириш, халқимиз сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар давом эттирилмоқда. Саломатлик масаласи, очиқ гапки, давлат аҳамиятидаги бош масалалардан бири сифатида эътибордан тушган эмас.

Элдор салом берар экан, умрида биринчи марта ҳамсуҳбат бўлаётган ректорнинг худди эски қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўраганидан қувониб кетди.

— Элдоржон, мен сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар эшитдим. Сиздаги илмга интилиш, намунали талаба бўлишга иштиёқингиздан хурсандман. Биласизми, Электромагнит мослашув маркази корхонаси «Энг иқтидорли талаба»нинг шартнома тўловига ҳомийлик қилиш таклифи билан чиққанди. «Хабар» газетаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ректорат таклифи билан сиз шундай имтиёзга эга бўлдингиз.

— Минг раҳмат, домла, лекин...

— Ҳеч қандай лекинга

• *Саломатлик бурчаги*

Бир яқин дўстим бор, кейинги вақтларда унинг юриш-туриши-ю, хатти-ҳаракатларидан организмида йод етишмаётгани яққол сезилиб қолганди. Унга шифокорга мурожаат қилиш кераклигини айтсам, «Соппа-соғман, ўзингча ташхис қўяверма», — деб жиғибийрон бўларди. Ўзига ҳал келиб, бир куни тиббий кўрикдан ўтганидан сўнггина икрор бўлдики, организмида аллақачон йод тақчиллиги бошланган экан.

Бугунги суҳбатимиз Юнусобод тумани ҳудудий бирлашмаси эндокринолог шифокори Белла Николаевна ХЕГАЙ билан йод ва йод тақчиллиги ҳақида бўлди.

ЙОДГА ЭҲТИЁЖ СЕЗСАНГИЗ...

— Белла Николаевна, айтингчи, йоднинг инсон организмига аҳамияти қандай ва йод тақчиллиги қандай касалликларни келтириб чиқаради?

— Йоднинг организмда аҳамияти муҳим бўлиб, у зararли бактерияларга, вирусларга, митти замбуруғларга қарши турувчи организмнинг ҳимоячиси ҳисобланади. Инсон бутун умри давомида атиги бир чой қошиқ миқдорида йод истеъмол қилиши керак бўлади. Аммо меъёр бузилиб, организмда йод тақчиллиги бошланса, унинг тикланиш жараёни оғир кечади. Организмда йод миқдорининг камайиш жараёни тез кечиши мумкин. Йод озайганда эса, қалқонсимон безда тўқималар сони кўпаяди ва у шишиб, буқоқ ҳосил қилади. Агар буқоқ ўз вақтида даволанмаса, без томоқни бўға бошлайди. Натижада қон томирлари қисилиб қолади, миянинг қон билан таъминланиш фаолияти бузилади.

— Кўпинча йод тақчиллигини қалқонсимон безлар шишиб, буқоқ ҳосил бўлгандагина сезамиз. Касаллик аломатларини бошқа ҳолатларда ҳам сезса бўладими?

— Кўпчилик қалқонсимон безлар шишиб, буқоқ касали бошланишигина йод етишмаётганини билдиради, деб ўйлайди. Аслида эса бу жараён бошлангунга қадар ҳам организмдаги бир неча ўзгаришлардан бу касалликни аниқласа бўлади.

Масалан, кейинги вақтда сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолгансиз, гоҳида томоғингизда бир нарса туриб қолгандек бўлиб, нафас олишингиз оғир кечади, сочингиз тўкилади, тирноқларингиз мўрт бўлиб ўз-ўзидан синаверади, кўз остида шишлар ҳосил бўлади. Кафтларингиз ўз-ўзидан қизийди, ўзингизни уйқуга тўймагандек ҳис қиласиз, иштаҳангиз жуда «очилиб кетган» ёки бунинг акси, бесабаб семира бошлагансиз ё озиб кетаяпсиз, об-ҳаво қандай бўлса ҳам ўзингизни совқотаётгандек сезаверасиз, агар сизда шу аломатлар содир бўлаётган бўлса, организмингизда йод етишмаяпти. Болаларда бу ҳолатни аниқлаш уларнинг йиғлоқи бўлиб қолишида, дарсларни яхши ўзлаштиролмаслигидан, ўйинларга беэътибор бўлиб қолишидан, паришонхотир бўлиб фикрини бир жойга жамлаб ололмаслигидан сезилади.

Аёлларда йод етишмаслиги уларнинг она бўлишини кечиктиради, ҳомиланинг нобуд бўлишига олиб келади. Баъзи ҳолларда уларнинг бепушт бўлиб қолишигача олиб боради.

Йод тақчиллигини аниқлашнинг яна бир осон усули бор, йодни спиртли эритмага ботириб, уйқудан олдин билагингизга учта чизиқ тортасиз, биринчиси ингичка, кейинги иккитаси ундан икки баробар йўғон бўлсин. Бордию, эрталаб билагингиздаги биринчи, яъни ингичка чизиқ йўқолган бўлса, соғлиғингиз жойида. Агар иккинчи чизиқ йўқолса, организмингизнинг йодга эҳтиёжи бор. Билагингизда ҳеч қандай чизиқлар қолмаса, сизда йод тақчиллиги бошлангани аниқ.

— Биз, асосан, йодни туз орқали истеъмол қиламиз ва иложи борича йодланган туз сотиб олишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада нималарга эътибор беришни маслаҳат берардингиз?

— Шундайку-я, аммо йодланган туз харид қилаётган ҳар бир истеъмолчи ҳам унинг ишлаб чиқарилган санасига эътибор бермайди. Тузга қўшилган йод фақат 3-4 ойгина ўз хусусиятини сақлаб туради. Яна, йод қайнаганда буғланиб кетиш хусусияти бор. Иложи борича таом тайёр бўлишига яқин, яъни таомни сузаётган вақтда солинган туздагина йод моддасининг фойдали таъсири сақланиб қоларкан.

— Қандай маҳсулотларда йод миқдори кўп бўлади?

— Бизнинг шароитимизда йодга энг бой бўлган мева хурмо ҳисобланади. Яна, ёнғоқ мева тугаётган вақтда унинг ғўрасида йод кўп бўлади. Бундан ташқари, оз бўлса-да йод миқдори бор бўлган мевалар — ўрик, узум, олхўри, олча, нок, олма кабилардан истеъмол қилиб туриш фойдали. Шунингдек, кундалик егуликларимиз қаторида сут, тухум, туз ҳам кўкатлар, салатлар, саримсоқпиёз, лавлаги, турп, бодринг, картошка, ловия, нўхат, сули, ёнғоқ, туршак, балиқ, денгиз маҳсулотлари кабилар ҳам бўлиши организмнинг йодга бўлган эҳтиёжини қондиради.

— Газета муштарийларига қандай тилакларингиз бор?

— Уларга ҳеч қачон касал бўлмасликларини тилардим. Тез-тез шифокор кўригидан ўтиб туришларини маслаҳат берардим. Чунки касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхшироқ. Муҳтарам аёлларимизни эса яқинлашиб келаётган байрамлари билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Муҳаммад Сиддиқ суҳбатлашди

Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» китоби нашр этилди. Адабий-бадиий, тарихий лавҳалардан ташкил топган бу асарни адабий мажмуа ёки адабиёт тарихидан, эсдаликлардан иборат «Ёднома» деб айтсак тўғри бўлар.

ИЖОД ХУДДИ ҲАЁТ

Китобнинг энг катта боби «Ҳаётимдан баъзи лавҳалар» деб аталиб, унда шоирнинг умр зарварақлари, гоҳ қувончли, гоҳ маҳзун ўтган ижодий йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти қизиқарли фактлар асосида ҳикоя қилиб борилган.

Китобнинг бошқа бобларида эса (мулоҳаза ва мунозара, ҳамдард қаламкашлар нигоҳида, диалог, садо ва акс-садо, беғубор кулги, мактуб ва телеграммалар) шоир ҳаётида бўлиб ўтган муҳим ҳодиса ва воқеалар, хотира ва эсдаликлар ёрқин ифодасини топган.

Ушбу китобни ўқиб, 70 йилда ҳаётимиз, адабиёт ва маданиятимиздаги юз берган кўпдан-кўп ҳодисалар кино тасмаси сингари кўз олдимдан бирма-бир ўтди. Характерли томони шундаки, асарда ифода этилган адабий-бадиий ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи, иштирокчиси бўлганман. Шу сабабдан ҳам асарни завқ-шавқ билан ўқиб чиқдим. Бундан ташқари, камина бехабар бўлган кўп ҳужжатлар ва воқеаларни билиб адабиёт ҳақидаги тасаввурим кенгайди ва бойиди.

Рамз Бобожоннинг чет эл маданияти арбоблари билан дўстона, самимий муносабатлари миллий адабиётимиз учун муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, Николай Тихонов, Николай Грибачев, Сергей Михалков, Михаил Дудин, Чингиз Айтматов, Али Туқамбаев, Расул Ҳамзатов, Мирсаид Миршакар, Берди Кербобаев, Қайсин Кулиев, шунингдек, покистонлик машҳур шоир ва аллома Файз Аҳмад Файз, турк ёзувчиси Азиз Несинлар билан бўлган ижодий ҳамкорлиги эътиборли. Жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган бу адиблар Рамз Бобожон орқали ҳам ўзбек халқининг ҳаёти ва санъати билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлишган.

«Рамз Бобожоннинг шуҳрати,— деб ёзган эди Озарбойжоннинг машҳур шоири Наби Ҳизрий, — она Ўзбекистондан жуда-жуда узоқларга ҳам ёйилган. Унинг асарлари бир сира Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ҳамда севиб ўқилмоқда».

Бундай шуҳрат, эҳтиромга Рамз Бобожон қандай эришди? Бунга жавобни «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» китобидан тўлатўкис топа оламиз.

Бу ҳақиқат китобда жуда кўп фактлар, далиллар билан моҳирона исбот қилинади ва шу сабабдан ҳам ўқувчиларда ишонч уйғотади. Шоирнинг ижодига бўлган ижобий муносабатларни муаллифнинг ўзидан эмас, балки унинг ҳамкасблари, чет эл маданият арбоблари томонидан берилган баҳолардан билиб оламиз. Улар ёзма манбалар асосида ёритилган. Унда Рамз Бобожоннинг поэмалари, шеърлари ҳақида илиқ гаплар айтилган, айниқса, рубоийларга, «Оби ҳаёт» поэмасига юқори ижобий муносабат билдирилган.

Маҳ, устоз Ғафур Ғуломдан эшитайлик: «Рамз Бобожон шарқ адабиётининг анъанавий ихчам шеърий формаси бўлган рубоийдан янгича фойдаланади. У ўз рубоийларида давримиз ғояларини зўр руҳий кўтаринкилик билан тараннум этади, замонамизга хос янги-янги образлар ишлатади».

Энди гапни шоирнинг поэмасига олиб ўтайлик. «Оби ҳаёт» — ўзбек адабиётида янги ҳодисадир»,—дейди рус шоири Николай Тихонов.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Рамз Бобожон танқидчилик соҳасида ҳам самарали ижод этган. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов Рамз Бобожонни «зукко олим» деб таърифлагани бежиз эмас.

Камина, «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» номли китобни ўқиб, берилган таърифнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим. Рамз Бобожон янги замон адабиётининг тарихчиси, тадқиқотчиси, назариячиси сифатида адиб ва шоирларимиз — Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, шу билан бирга Комил Яшин ва Ҳалима Носирова, булардан ташқари, қирғиз адиблари Али Тўқамбаев, Чингиз Айтматов, озарбойжон шоири Самад Вурғун, грузин Григол Абашидзе, рус шоири Николай Грибачев, туркман адиби Берди Кербобоев ҳақида пухта мақолалар ёзиб, улар ижодига жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қаратган.

Тўғри, таниқли адиб ва шоирлар ҳақида кўп нарса чоп этилган. Аммо Рамз Бобожоннинг қаламидан чиққан мақолалар тубдан фарқ қилади. Уларнинг янгиликлари шундан иборатки, ҳар бир арбоб ижодининг туб моҳияти, хизматлари лўнда, ихчам қилиб очиб берилганлигини келтирай. Рамз Бобожоннинг «Сенга, севгилим» номли танланган асарлари яширинча тақризга берилиб, жуда салбий беимзо жавоб олинган. Бу тақризни ўқиган шоир ўз ҳолатини шундай таърифлайди: «...ўзимни катта ва ёруғ йўлдан кетаётганимда хилват бир муюлишдан фавқулодда чиққан йўлтўсарга дуч келгандай ҳис қилдим». Шоир бундай махлуқларни «тирик мурдалар» деб таърифлаши ҳақиқатга жуда мос ва хос.

Шу боисдан ҳам, Рамз Бобожон ғийбатчиларга қаҳр-ғазабини ўқдай ёғдирди, бор овози билан ҳақиқатни айтди, ҳақиқатнинг ҳукмрон бўлиши учун астойдил курашди. Шоирнинг асарларига ҳар қанча тош отмасинлар, уларни ўқувчиларнинг назаридан четлата олмадилар, муҳаббатларини сўндира олмадилар. «Ишонамизки, — деб ҳақли равишда таъкидлаган эди устоз Ғафур Ғулом, — Рамзнинг баракали ва мазмунли ижоди истаган аёвсиз танқидга бардош бера олади».

Шу сабабдан ҳам шоирнинг «Танланган асарлар»и республикада ўтказилган танловда биринчи мукофотга сазовор бўлди. Булларнинг ҳаммаси ва шунга ўхшаш ҳодисаларни «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» китобидан билиб оламиз.

Яна бир масалада Рамз Бобожоннинг ҳақгўйлигига имон келтирасан, киши.

Ҳозирги замонда энг муҳим масалалардан бири яқин ўтмишимизга, тарихимизга муносабатдир. Яқин тарихимизни қандай ёритиш керак, уни янги замонга мослаштириш ёки у қандай бўлса шундай ифодалаш керакми?! Бу масалада қарашлар ҳар хил, ёзилган китобларда ҳам турлича фикрлар изҳор қилинганидан хабаримиз бор. Хўш, Рамз Бобожоннинг бу масалага қарашлари қандай? Яхшиси, ўзидан эшитайлик: «Тарих ёки тарихий далиллар ниҳоятда қайсар кучки, уни на босиб, на янчиб ўта оласан, на «оқ» бўлса, қора, «қора» бўлса, оқ дея оласан!»

Бу масалада жуда тўғри позицияда турган, принципиал фикрларни изҳор этган. Оқни оқ, қорани қора дейдиган замон келганлигини, бизлар ҳам эртага ўтмиш бўлиб қолишимиз турган гап эканлигини назарда тутиб, унга ҳурмат билан қарашимизни, ўтмишни бугунги, эртанги кунларга хизмат қилдира олишимизни, ундан иложи борича фойдаланишимиз лозимлигини таъкидлайди. «...Ватан шаъни, халқ шаънига фавқулодда тушган доғларни ювиш, ниҳоятда авайлаб ювиш ҳар биримизнинг виждон бурчимиз бўлмоғи керак».

Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, Рамз Бобожон юқоридаги гапларни қизилсўзлик ёки дабдаба қилиш учун эмас, балки уларни амалга ошириш, уларга садоқатли бўлиш учун келтирди. Бунинг ёрқин далилини унинг «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» китобида яққол кўрамиз. У бирор фактни, ҳужжатни, тарихий ҳодисани бузмасдан, тарихда қандай бўлса, шундай ёритишга муваффақ бўлган. Ҳаттоки, терминларни ҳам ўтмишда қандай бўлса, шундайлигича олган. Бу билан у китобида тарихни бузмасдан ёки камситмасдан айнан гавдалантирган.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Ғолиб Ботирга тузган режаси ҳақида батафсил сўзлар экан, беихтиёр ютиниб кўйди. Йўл-йўлакай жияни Яшинни ҳам бирга олиб кетишларини таъкидлади. У қандай шошиб-пишиб сўзлаётган бўлса, режани ҳам худди шундай тезроқ амалга оширишни ўйларди. Чунки аъзои баданидаги титроқ, мушакларидаги кучли оғриқ зўрая бошлаганди...

Инсон ниҳоятда сирли мавжудот, деб ўйлаб қоласан, киши. Унинг ташқи қиёфасига қараб қандайлигини билиш ниҳоятда мушкул. Хуллас, "уч оға-ини ботирлар" йўлга тушишди. Ўлжанинг бунчалик тез топилишини хаёлига ҳам келтирмаган Ғолиб машина ичида кетар экан тезроқ овлоқ жойга чиқиб олишларини истарди. Ҳадемай одамлар яшайдиган уйлар тугаб, кенг дала бошланди. Ғолиб дабдурустдан ҳайдовчига тўхташни буюрди. Қулай имкониятдан фойдаланиб орқа ўриндиқда ўтирган Ботир қўлини узатганича уни бўға бошлади. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Ғолиб эса ҳаво етишмай, ранги ўчиб, бир аҳволга келиб қолган ҳайдовчи — Анварга қайта-қайта пичоқ санчди. Хиёл ўтмай Анвар бу ёруғ олам билан видолашди. Одам қиёфасидаги уч азроил тезда ишга киришди. Анварнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси, шахсини тасдиқлайдиган барча ҳужжатларини олиб, чўнтакка жойлашди, ўзини эса машинанинг орқа ўриндиғига олиб ўтишди. Ботир рулга ўтирди. Бироз йўл босишгач, машинани тўхтатиб, ичидаги автомагнитафонни суғуриб олиб, қўлтиққа уришди. Машинани эса марҳум эгаси билан шу ерда қолдиришди. Уларнинг қотилликдан орттириб олган пуллари марҳумнинг чўнтагидаги бир ярим минг сўм эди, холос.

Оламда уч хил аблаҳ бўлар экан: анойи, яъни ўз разилликларини юксак эзгулик деб ишонадиган аблаҳлар, ўз разилликларини била туриб, бир оз ориятн қўзийдиган аблаҳлар ва ниҳоят, шунчаки туғма аблаҳлар ҳам бор. Бу учала аблаҳнинг қилмишини шу жойда нима деб изоҳлаш мумкин?

Қотилликка бошлаган ГИЁҲВАНДЛИК

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Улар яна бир киракаш ҳайдовчини қармоқларига илинтиришди. Бу сафар уларга йигирма етти ёшли Яшнар рўбарў келганди. Кўзланган манзилга етиб келишгач, Яшнарнинг бошига ҳам Анварнинг куни тушди. Фақат бу гал ёвузлар икки киши эди. Хуллас, доимги усулни қўллашди. Ҳайдовчининг орқа тарафидаги ўриндиқда ўтирган Ғолиб кутилмаганда унинг бўйнига ёпишди. Ботир эса ҳайдовчига аёвсиз тарзда қайта-қайта пичоқ урди. Бу фоний дунёни жуда эрта тарк этган Яшнарнинг орзу-умидлари кўп эди...

Қотиллар машинани шаҳарнинг четроғидаги кўп қаватли уйнинг ёнига ҳайдаб келишди. Машина тўхтагач қотиллар Яшнарнинг ёнидаги уяли телефонни, барча шахсий, техник ҳужжатларни олишиб, йўлга равона бўлишди.

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деганларидек, улар қўлга киритилган уяли телефонни бор йўғи 15 минг сўмга пуллашди. Кейин эса ўша пулнинг бир қисмига Ғолибга "дори" олишиб, томирига уришди. Шундан сўнггина Ғолибнинг чеҳраси очилиб, баданидаги оғриқ пасайгандек бўлди. Бу орада ўша "дори"чига учраб, Ботир ҳам чекадиганидан олди. Уларнинг кайфи тароқ ҳолда экани жамоат тартибини сақлаш ходимларининг эътиборини тортди. Жиноятчилар қўлга тушганлигини сезишса-да, гапни айлантириб, вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қилишарди. Ботир аввал ҳам одам ўлдириб қамалиб чиққан эди. Шунинг учунми, Бу сафар ўзига қийин бўлишини ўйлаб роса гапни олиб қочарди.

Хуллас, "бузоқнинг югургани сомонхонагача" бўлди. Бу учала қотил бир йўла одамларга захри қотил сотиб, инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиб кетишларига сабаб бўлаётган бир тўда жиноятчиларнинг ҳам кирдикорларини очиб беришди.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олишди.

Жиноий гуруҳ аъзоларининг қилмишларидан воқиф бўлар экансиз, беихтиёр ўйга толасиз. Улар айни гуркираган 20-35 ёшдаги шахслар. Барчасининг тўрт мучаси соғ-саломат. Лекин улар нега ҳалол йўл билан пул ишлаб топиб оила тебратишни хоҳлашмади? Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор, энди уларнинг оила аъзолари, фарзандлари маҳалла-кўйнинг кўзига қандай қараркин?

Воқеа тафсилотларидан ҳам кўриниб турибдики, юз берган жиноятларнинг ортида озми-кўпми гиёҳвандлик аталмиш иллат ётибди. Шу бир неча мисқол оғу икки кишининг ҳаётдан барвақт кўз юмишига, кимларнингдир панжара ортига тушишига сабаб бўлди.

Азизлар, ён-веримизга — таниш-билишларимизга, айниқса, ёшларимизга эътиборли бўлайлик. Гиёҳвандлик деган жирканч иллатдан уларни асрайлик. Токи, бу ҳолатларга эътибор қилмас эканмиз, жиноятчиликнинг ҳам олди олинмайди, кўзланган эзгу мақсадларга ҳам эришилмайди.

Муҳаммад БАРАТОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

• *Севги саргузаштлари*

Хабиб ТЕМИРОВ

Акрми ё ҳаббат?

Абдували билан тўйга борганимизни эсладим. Тўйдаги даврамизда Абдувалидан ташқари, мен танимайдиган икки-уч киши ҳам бор эди. Кимдир уларни «келин томондан», дея изоҳ берган, мен уларга бошда унчалик жиддий эътибор бермаганман. Фақат... улардан биттаси ёши биздан сал каттароқ, кўринишдан анча салобатли, пўрим кийинган, бўйинбоғига қимматбаҳо тўғнағич қадалган, чап қўлининг шаҳодат бармоғида майда жавоҳирлар қадалган олтин узук таққан одам сал-пал эътиборимни тортди. Ёнидаги икки одам унга тинмай гирдикапалак бўлишар, «уста, чой ичинг, уста, овқатдан олинг», деб мулозамат қилиб туришарди. Мен беихтиёр бу одам ниманинг устаси экан, деб ўйладим. Эҳтимол, дурадгор ёки сандиқсоз устанинг қимматбаҳо тўғнағичли итальянча бўйинбоққа ва жавоҳир кўзли узукка қурби етмаслигини тушунганим учун шундай, деб ўйлагандирман. Мени ҳайратга солган яна бир ҳолат Абдувалининг ўша одам билан қуюқ сўрашгани, унинг эса билъакс ошнамга анчайин нописанд муомала қилгани бўлди. Бу менга ботган ва Абдувалидан секингина «бу ким, ўзи», деб сўрагандим. «А-ах, замонавий савдогарлардан бири», — деб кўйганди Абдували.

Кейин иттифоқо уларнинг секин овоздаги суҳбати қулоғимга чалинди.

— Бу шағирдингизнинг бошиға бахт қуши қўнғани, шундай опатижонди қўлга киргазди, — деди у.

— Ўзиям анча қийналдиёв кўнглини топгунча, — деди Абдували. —Сиз келинни яхши танийсизми?

— Сағал-пағал. Омма-лекигин... гулни гулга эмас... тиканга кўшилгани манга унча жақмади...

— Кўйинг энди, унақа гапларни. Икки ёш бахтли бўп кетишсин...

Мен ўшанда бу гапларга эмас, негадир «замонавий савдогар»нинг овози ғалати эканига, «ға-ға»лаб гапиришига эътибор бердим. Томоғида касали бор шекилли, деб ўйладим. Яна бир нарса мени ҳайратга солди: бу одам ўта замонавий ва қимматбаҳо кийимлар кийганига, зару зеварга бурканганига қарамай... ўзини худди оддий бир аравакашдек тутарди. Айни пайтда бу «аравакаш уста» вилоят прокуратураси ходимига нописандлик билан «Валибой» деб мурожаат этиши қизиқ.

Қайтиб уни кўрмадим. Орадан озгина вақт ўтгач, мени Шимолдаги Марказий шаҳарлардан бирига малака ошириш учун уч ойлик ўқишга юборишди. Ётоқхонамиз шаҳарнинг қадимий қалъаси ёнида, сокин оқадиган дарё соҳилида жойлашган эди. Кунлардан бир кун курсдошларимдан бири «Ҳамшаҳарим келган экан, «Метрополь» меҳмонхонасида зиёфат берияпти. Кечқурун бирга борамиз», деб қолди. Бордик. Совуқ ва ёмғирли ҳаво бўлишига қарамай, муҳташам меҳмонхонанинг «қишки боғи» баҳор чоғларидагидек гулгун ва чароғон эди. Шу улкан «қишки боғ»да анвойи ҳидли гуллар қўйнида, фаввора ёнида ўнтача стол қўйилган бўлиб, файзли дастурхон атрофида ўн чоғли одам ўтиришар, узун, оппоқ ва силлиқ оёқли хизматкор қизларнинг қўлиқўлига тегмасди.

Давра тўрида эса... ўша мен тўйда кўрган «Уста» савлат солиб ўтирарди. Бизни кўргач, даврадагилардан учтўрт киши ўрнидан қўзғалиб, «қани-қани, марҳамат», дея юқорирокдан жой кўрсатишди. Мен «Уста»га яқинроқ жойга ўтириб қолдим. У саломимга жавобан бош иргаб кўйди. Даврага ушбу шаҳарда ўқиётган юртдош-талабалару бизга ўхшаш «малака»чилар чақирилган экан. Курсдошим: «Уста бунақа зиёфатларни мунтазам бериб туради», — деди. Зиёфат алламаҳалгача давом этди. Косагули бирон кишига сўз беришдан олдин унга: «Муҳтарам «Уста» жанобларининг камтарона дастурхонига хуш келибсиз», — деб кўяр ва ҳар гал, албатта «Уста» шаънига бир-икки оғиз ҳамду сано айтишни канда қилмасди. «Уста» деярли гапирмас, фақат мақтов ҳамда миннатдорлик сўзларига жавобан бош қимирлатарди.

Курсдошим буни «томоғидаги касали сал зўрайган бўлса керак», деб изоҳлади. «Нима касали бор?» деган саволимга: «Кейин айтиб бераман», — деб жавоб қайтарди. Зиёфат баробарида «Уста»нинг шимолий шаҳарларга туркона доривор моддалар, жумладан мўмиё, турли гиёҳлар етказиб берадиган ширкати борлигини, биз ўқиётган шаҳарда ҳам «Шарқ табобати» номли дўкон, дорихона, даволаш мажмуаси очганини билиб олдим.

Зиёфатдан сўнг «Уста» меҳмонларнинг ҳар бири билан сўзсиз, кўл қисишиб хайрлашди. Жумладан, мен билан ҳам. Хайрлашиш баробарида ёнида анчайин каттакон сафархалта кўтариб турган ёрдамчиси унинг имосига кўра бир боғлам пул узатди ва «Уста томонидан моддий ёрдам», деб тиржайиб кўйди. Курсдошим ҳам бу кўмакдан баҳраманд бўлибди. Йўлда билдим. Санаб кўрсак, анчагина пул. Мен журналистга хос «ношукурчилик» билан:

— Қаердан топади бунча пулни, — деб сўрадим. Курсдошим аввалига:

— Боғини сўраб нима қиласан, — деди. Сўнгра бояги изоҳни такрорлади:

— Шарқона дори-дармонлар сотади. Бу жуда сердаромад бизнес.

— Дарвоқе, томоғида нима касали бор, дегандингиз?

— Бунинг тарихи қизиқ, - деди курсдошим. — Айтишларича, «Уста» ёшлигида бир хато қилиб қамалган. Қамоқхонада бўлган тўполонда маҳбуслардан бири унинг бўйнига пичоқ тортиб юборади. Кекирдаги кесилган «Уста» бўйнини қўли билан қисиб, қонсираган ҳолда тиббиёт қисмига етиб боради. Врачлар унинг кекирдагини тикиб, ўлимдан сақлаб қоладилар...

— Аҳ-а, бундан чиқди «Уста» жаноблари «шеф»лардан экан-да, — дедим. Аслида «жиноят оламига алоқадор экан-да», демоқчи эдиму «еган оғиз уялар» қабилида тилимни тийдим. — Дарвоқе, «Уста»нинг ҳақиқий исми-шарифи қанақа?

— Буни рости, ўзим ҳам аниқ билмайман. У бизнинг тумандаги энг чекка, тоғ орасидаги қишлоқдан. Айтишларича, у қамоқдан чиқиб келганидан сўнг кекирдагини доривор гиёҳлар ёрдамида даволаган ва шу тахлит шарқ табобати билан шуғуллана бошлаган...

Ўқишдан қайтиб келганимдан сўнг Абдували билан бир гал учрашганимизда «Уста»дан гап очдим. Адашмасам бу... ўша Ҳукм қамалган кунларда эди. Тўйдаги «Уста»ни мен Шимолдаги шаҳарда учратдим. Зиёфатини едим ва ҳатто «хайрия» тариқасида берилган моддий ёрдамидан ҳам баҳраманд бўлдим.

Абдували «Уста»нинг номини эшитгач, кайфияти бузилиб, қовоғи солинди. Аммо буни сездирмасликка тиришди. Гапни бошқа томонга буриб юборди. Мен ўжарлик билан мавзуни яна «Уста»га қайтардим:

— Яхши одам экан, — дедим. Абдували киноямуз кулимсиради:

— Яхши одаму... баъзи аҳмоқона қиликлари бор, — деб кўйди. Мен буни «нописандлигини назарда тутаяпти», деб тушундим.

— Ҳа, энди... бизнинг халқ пули кўпайса... унча-мунчани писанд қилмай кўяди-да, — дедим. Кейин гап яна бошқа мавзуга бурилиб кетди.

Ростини айтсам, ўша кезларда «Уста» сингари «тадбиркор»лар анча-мунча топиларди. Албатта, мен ўша кезларда барча содда одамлар қаторида «замона зайлини» етарли даражада чуқур англаб етмаганман. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши, илдизи, танаси ва шохлари ҳақида атрофлича ўйлаб ҳам кўрмаганман. Мен «ёш мутахассис» эдим ва фикру зикрим тезроқ «ўсиб», мансуб бўлган доирада муносиброқ мавқени эгаллаш истаги билан банд эди. Ҳа, шунақаси ҳам бўлади. Шахсий ташвишларингдан ортмай, жамиятда юз бераётган ғаройиб воқеалардан бехабар қоласан, киши.

Мавриди келиб қолгани учун мен ана шу ҳодисалар бобида кейинроқ қилган таҳлил ҳамда хулосаларимни аввалбошданоқ қисқача айтиб кетишни лозим топдим.

Алқисса «Уста» ва унга ўхшаган «янги замон кишилари» ўз бизнесларини ҳимоя қилиш учун ҳокимият, прокуратура, милиция идораларига яқинлашишга, у ердан ўзларига ишончли дўстлар топишга уринишган. Бунинг учун улар тез-тез турли «базми жамшид»лар, тўй-ҳашамлар уюштиришиб, давраларнинг тўрларини «тўралар» учун мунтазир қилиб қўйишарди. Менга ўқиш вақтида кўрсатилган ёрдам ҳам тасодифий бир «хайрия» ёки мурувват эмас, балки узоқни кўзлаб қилинган режали тадбир бўлган, шекилли.

Хуллас, Абдували билан суҳбатимиз бошқа мавзуларга ўтиб кетган бўлса-да, «Уста» ҳар иккаламизнинг тасаввуримизни тарк этмаганини англаб турардим.

Шунда мен ногаҳон «Уста» билан яқинроқ танишсам-чи», деган фикрга бордим. Абдувалидан бу ҳакда илтимос ҳам қилиб кўрдим. У бу «савобли» ишдан ўзини олиб қочди:

— У, асосан, хорижда юради...

— Ҳар ҳолда, бир келган вақти учраштир. Мен унга мусофирлик вақтимда кўрсатган ёрдами учун самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Бу илтимосим, адашмасам... ҳув ўша, Ҳукм қамалиб қолган вақтларга тўғри келса ажабмас. Кейин мен бошқа ташвишлар билан овора бўлиб, «Уста»ни ёдимдан чиқардим. Агар Меҳрининг ҳикояси сабаб бўлмаса, эҳтимол, уни ҳали яна анчагача эсламай ҳам юрган бўлармидим...

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

Миллий тикланишт — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

● *Муштарий илҳоми*

Онажоним

Онажоним Холида Эшмамат қизининг ёрқин хотирасига



Бобомурод ОДИЛОВ

Бу дунёда бир зум тиним билмадингиз,
Фарзанд орзу ҳавасини кўрмадингиз,
Юз ёш нима ўттизга ҳам кирмадингиз,
Онажоним, сизни ҳар кун кўргим келар,
Пойингизга бир бор бошим қўйгим келар.

Эрта тонгдан кун ботгунча тинмаганим,
Очилмайин сўлишини билмаганим,
Гўдак бўлиб дийдорига тўймаганим,
Онажоним, сизни ҳар кун кўргим келар,
Пойингизга бир бор бошим қўйгим келар.

Ўзи учун Оллоҳдан бахт сўролмаган,
Жон берарда «болам» дея ўлолмаган,
Ёлғиз ўғлин тўйини ҳам кўролмаган,
Онажоним, сизни ҳар кун кўргим келар,
Пойингизга бир бор бошим қўйгим келар.

Умр ўзи шундай — аччиқ фироқ экан,
Ери қаттиқ, осмонлари йироқ экан,
Азизларнинг хотираси чироқ экан,
Онажоним, сизни ҳар кун кўргим келар,
Пойингизга бир бор бошим қўйгим келар.

Қишлоғимга

Қанча юртлар кўрдим, қанча маконлар,
Неча манзилларни, йўлларни босдим.
Ҳис этдим мен шунда юрак-юракдан,
Бир макон йўқ экан, сендек Жаростим.*

Сенда ўтди ёшлик — умрим баҳори,
Меҳрибон қўйнингда ўсдим, ўйнадим.
Ёзда чанг, қишда лой кўчаларингда
Тенгқур жўралар-ла яйраб, қувнадим.

Қаерда бўлмайин азиз номингни
Юрак—юрагимга мен этдим пайванд.
Ўзга мамлакатлар зар тупроғидан
Чангли кўчаларинг билдим сарбаланд.

**Жарости — Самарқанддаги қишлоқ*

КИНО КЎРИШ ҲАМ ФОЙДАЛИ ЭКАН

Ҳа, комедия жанридаги киноларни томоша қилиш нафақат маданий ҳордиқ олиш, балки соғлиқни ҳам бир қадар яхшилаш имконини берар экан.

Американинг Мэриленд университети олимлари ана шундай хулосага келишди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида комедик кинофилмлар томошаси ҳақиқий даволаш курси эканлиги аниқланди. Унинг фойдаси интенсив равишда аэробика билан шуғулланиш ёки витаминлар истеъмол қилишдан кам эмас экан. Ва аксинча — қўрқинчли филмлар соғлиққа зарар кўрсатар экан.

Бу теорияни исботлаш мақсадида 20 нафар соғлом одам устидан тажриба ўтказилди ва аниқландики, комедия кўрган томошабинларнинг қон айланиши яхшиланган, триллер ёки ур-йиқит кино кўрганларда эса аксинча бўлган.

Шифокорлар инсонларга ўз ҳиссиётларини эркин намойиш қилишни, кўнгилга сиққунча кулишни тавсия қилишмоқда. Инсон кулганда, организмда иммунитетни кўтарувчи эндорфин — «бахт гармони» ажралиб чиқаркан.

Фанда инсон организмига мусиқа ва тасвирий санъатнинг ҳам ижобий таъсири ҳақида кўп гапирилган. Ҳатто Қадимги Мисрда уйқусизликка чалинган беморларни, Юнон элида эса радикулит хасталигини мусиқа ёрдамида даволашган экан.

Шундай бўлгач, бўш вақтингизда фақатгина урйиқит киноларни кўравермасдан, кўнгил дарвозасини очиб кулишни ҳам эсингиздан чиқармасангиз, ҳам дам, ҳам малҳам оласиз!

МИРЗО тайёрлади

● *Фойдали маслаҳатлар*

ҚАҲВА ИЧИНГ

Ҳозирда аксарият хонадонларда қаҳва тайёрлаб ичиш одатга айланиб бормоқда. Ваҳоланки, жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида қаҳва кундалик турмушда истеъмол этиладиган ҳузурбахш ичимликлардан бири ҳисобланади. Қаҳва уруғининг таркибида азотли моддалар: клечатка, кофеин, қанд, ёғ, минерал тузлар бўлади. Табиий қаҳвадан тайёрланган ичимлик таркибида кофеин бўлганлиги туфайли марказий нерв системасини қўзғатувчи ва мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади. Меъёрида ичилган қаҳва соғлом, шунингдек, артериал қон босими паст кишиларга ижобий таъсир кўрсатади, меҳнат фаолиятини оширади, юрак ишини яхшилайди, меъда ширасини кўпайтириш хусусиятларига эга.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, қаҳвани меъёридан кўп истеъмол қилиш соғлом кишиларни ҳам юрак касали ва уйқусизликка олиб келиши мумкин. Умуман, қаҳвани уйқу олдидан ичиш ярамайди. Чунки, қаҳва уйқуни қочиради. Қаҳвани қайнатмаслик керак, қайнаш жараёнида қаҳвага хос хуштаъмлилик ва муаттарлик бузилади. Тайёрланган қаҳвани қайта-қайта иситиб ичиш ярамайди.

ТУРКЧА ҚАҲВА:

Махсус қаҳва тайёрланадиган идишда шакарли сув қайнатилади ва унга қаҳва солинади. Қаҳва солинган идиш аланга устига қўйилади ва қайнаб, кўтарила бошлагач, оловдан олинади ва бироз ўтгач яна аланга устига қўйилиб, қайноғига етказилади. Қуйқаси чўккач, эллик грамм сув ҳисобига бир чой қошиқ қаҳва ва таъбга кўра қанд солинади.

ҚАЙМОҚЛИ ҚАҲВА:

Қанд қўшиб (таъбга қараб) дамланган қора қаҳва стаканларга қуйилади. Ҳар бир стакан ичига бир чой қошиқ қанд уни билан аталган бир ош қошиқдан қаймоқ солинади.

САБЗИ ШАРБАТИ

Янги сиқиб олинган сабзи шарбати халқ табобати амалиётида пешоб ҳайдовчи, қовуқдаги тош ҳамда қумларни нуратувчи омил сифатида тавсия этилади. Сабзи шарбати тери куйганда ҳамда совуқ урганда, шунингдек, битиши қийин бўлган жароҳатларда ташқи муолажа сифатида ҳам фойдалидир. Бунинг учун жароҳатланган жойлар шарбат билан ювилади. Сабзи шарбати билан яллиғланган оғиз ҳамда томоқ чайилади. Сабзи шарбати ғўдаклар организмининг ривожланишига ҳам яхши ёрдам беради. У ҳужайраларда мавжуд оксидланиш- қайтарилиш жараёнларини уйғунлаштиради. Эт олишини тезлаштиради. Углевод алмашинувини яхшилайди, овқатнинг ҳазм бўлишини осонлаштиради, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради.

Сабзи шарбати поливитамин сифатида организмда витаминлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган гиповитаминоз ҳамда авитаминозда, дармонсизликда, камқонликда беозор даволовчи омил ҳисобланади. Сабзи шарбатининг шакар билан чучуклаштирилгани истеъмол қилиб турилса, одам организми турли касалликларга нисбатан бардошли бўлади, иштаҳа яхшиланади, вазн ортади. Сабзи шарбати гастрит, энтерит каби касалликларга ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун бемор сабзи шарбатини бир ош қошиқдан эрталаб наҳорга ҳамда кечқурун истеъмол қилиб туриши лозим.

Сабзи шарбати ўсимлик уруғлари билан дамлама кўринишида истеъмол қилинса, пешоб йўлидаги тошни чиқаришга ёрдамлашади. Юқори нафас йўлларининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган бронхит йўталида сабзи шарбатининг асал билан омухтаси жуда яхши самара беради.

Болаларнинг оғзи яллиғланганида сабзи шарбати билан чайилса, яхши натижа беради. Сабзи камқонликда, дармонсизликда, юрак-қон томир системаси, жигар ва буйрак касалликларида ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ меъда-ичак жароҳати ва энтерит касалликларининг қўзғалиш даврида истеъмол қилиниши тавсия этилмайди.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА тайёрлади

АКУЛА БИЛАН ҚЎЛ ЖАНГИ

Австралиялик 46 ёшли аквалангчи Берни Уильямс 8 дакика давом этган қўл жангида оқ акулани енгиб чиқди.

Воқеа шундай рўй берди. Бир куни денгизда сузиб юрган Берни орқасидан бехос келиб қолган акулани сезмай қолди. Акула уни беозор тишлади-да, сув остига олиб кириб кетди. Устига-устак Бернининг акулага қарши ишлатиладиган қуроли ҳам қўлидан тушиб кетганди. Чорасиз қолган Берни муштларига зўр берди.

ХОҲ ИШОНИНГ, ОҲ ИШОНМАНГ

Натижа эса ёмон бўлмади. Акула жағига кетма-кет тушаётган зарбаларга дош беролмай ўлжасини ташлаб қочишга мажбур бўлди. Бу айтишга осон, балки, дунёдаги энг машҳур бокс юлдузларини ҳам акула билан юзма-юз келишга юраклари дов бермас. Ўша вақтда Бернининг кўнглидан нималар ўтгани бизга қоронғу. Нима бўлганда ҳам у омон қолди.

Ҳа, жон аччиғи ёмон бўлади, деб бежиз айтмас эканлар.

М. РАҲМАТОВ таржимаси.

У ДУНЁ БИЛАН АЛОҚА БОРМИ?

Японлик олимлари у дунёдаги одамлар билан гаплашадиган аппарат кашф қилибди. Во ажаб! Бу аппарат билан ўтказилган тажрибалар натижасида бир неча одамлар марҳум қариндошларининг руҳи билан гаплашишган. Бу аппаратни кашф қилган фирма вакиллари ҳозирча сир сақлашмоқда. Чунки аппарат ҳали тўла ишланмаган бўлса ҳам, баҳоси 120 минг долларга белгилаб қўйилган.

Умуман, у дунё билан гаплашадиган аппаратни биринчи марта америкалик Томас Эдисон ишлаган. Шу асбоб орқали у дунё билан алоқа қилган. 1936 йили олим Аттили Фон Спалей унинг фонографи билан тажриба ўтказган. 1959 йили швед кинопродюссери Фридрих Юргенсон махсус тажриба ўтказганидан сўнг, журналистларга у дунё билан алоқа қилишини айтган. Шундан буён олимлар бу ҳақда турфа фикрларни билдиришмоқда.

Кунлардан бир кун таҳририятимизга қозоқ миллатига мансуб қиз кириб келди. У жуда ташвишли кўринарди. Исми Жанар экан. Сухбат давомида у марҳума онаси билан гаплашганини айтди. Мен бу қизни дастлаб кароматли табибми, бахшими бўлса керак, деб ўйладим. Лекин Жанар ундай эмаслигини билдирди. Қизнинг айтишича, онасининг ўлганига уч йил бўлибди. Онасининг вафотидан кейин отаси қандайдир бир аёлга уйланганини эшитган Жанар уйдан кетиб қолган. Отаси қанча илтимос қилса ҳам, уйига қайтмаган. Бир куни отаси:

— Бир ҳафтадан буён онанг тушимга киради. Қизим, онанг арвоҳи ҳурмати, уйга қайт! Мен уйланган аёлнинг сенга зарари йўқ, — дейди.

— Ҳақиқатан ҳам онам арвоҳининг ҳурмати бўлса, сиз ҳам у аёл билан яшамайсиз! — дейди Жанар кескин.

Қиз қариндошларининг уйида яшай бошлайди. Шу ўринда қизнинг айтганларини айнан келтирмоқчиман.

«Бир куни радио эшитиб ётиб, ўчиришни унутиб ухлаб қолибман. Ярим кечаси уйғониб кетсам, радио ширилдаб ётибди. Энди ўрнимдан туриб, ўчирмоқчи бўлганимда радио гапириб кетса бўладими?! Қўрқиб кетдим. Радиодан: «Қизим, қўрқма, мен сенинг онангман. Жонпўлатни уйдан олиб кет. Шунда бехавотир бўлади. Қизим, қизим...» — деган овоз келарди. Ниҳоят, радио жим бўлди...

Бу воқеа бир неча марта такрорланди. Укамни олиб келолмадим. Энди онам менга «уйга қайт, қизим», дерди. Уйга келиб отамлар билан бирга яшай бошладим. Ўша йили ўқишга кирдим. Уйимиз ўқиш жойимдан унча узоқ бўлмагани учун ҳар ҳафта дам олиш кунини уйда ўтказардим. Бу орада бир хонадонга, уч ёшли болага энага бўлиб ишга ёлландим. Шундай кунларнинг бирида онам билан яна гаплашдим. Онам: «Қизим, келаси ҳафтанинг чоршанбасида уйга кел, укангни қутқаз», — деди. Мен чоршанба куни эмас, шанбада уйга бордим. Саккиз яшар укам иситмалаб ётар, баданининг соғ ери қолмаган, кўкариб кетган эди. Отам «КамАЗ» ҳайдар, савдо юзасидан узоқ шаҳарга қатнар, уйда кам бўларди. Ўғай онамнинг бемеҳрлигини ўша куни тушундим. Укам бечора гилам устига овқат тўккани учун аёвсиз калтаклаган экан. «Тез ёрдам» укамни касалхонага олиб кетди. Укам касалхонада вафот этди. Мен ўғай онамга ҳеч нарса дея олмадим. Аламимни ичимга ютдим. Шундан кейин мен отамга ҳамма нарсани айтдим, марҳум онам билан гаплашганимни ҳам. Лекин отам менга ишонмай, уришиб берган бўлса-да, мен тарафлигини сезиб турардим. Отам шу бўйи икки ой командировкага бормади. Бир куни уйга келсам, отам ёлғиз ўтирибди. Мени бағрига босиб, узоқ йиғлади. Отамнинг йиғлаганини биринчи марта кўришим эди. Онам вафот этганларида ҳам бунча йиғламаганди. Кейин билсам, отам ҳам марҳума онам билан гаплашган экан. Шундан бери ўйлайман, бу ҳолат ҳақиқатми ё рўё?»

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади

Халқаро воқеалар

Россия — Эрон: КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Москва ва Техрон вакиллари уранни бойитиш бўйича кўшма корхонани Россия худудида қуриш юзасидан келишувга эришдилар. Бу ҳақда Бушерда ўтказилган матбуот конференциясида Эрон давлати вице-президенти, Эрон атом энергияси ташкилоти раҳбари Ғулом Ризо Оғазода маълум қилган.

Сергей Кириенко

Россия тарафидан музокараларда иштирок этган «Росатом» ташкилоти раҳбари Сергей Кириенконинг айтишича, кўшма корхонани барпо этиш масаласи бўйича техник, ташкилий ва молиявий муаммолар деярли қолмаган. Шу билан бирга, Сергей Кириенко бу корхонанинг қурилиши «Эрон ядро муаммосини ҳал қилишнинг фақат бир йўналиши» эканлигини ҳам эслатиб ўтди.

Шунингдек, «Росатом» раҳбари бу муаммони ҳал этишга қаратилган Россия—Эрон музокаралари яқин кунларда Москвада давом эттирилишини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтанинг бошида Москвада бошланган музокараларнинг биринчи босқичи ҳеч қандай конкрет натижаларни бермаганди.

Яқин Шарқ: «ХАМАС» ИСРОИЛ БИЛАН МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР... ми?

«Фаластин парламентига ўтказилган сайловларда ғалаба қозонган «Хамас» ташкилоти халқаро миқёсда дунё давлатлари билан музокара олиб боришга тайёр, ҳатто АҚШ билан ҳам, — дейди ташкилот сиёсий бўлими раҳбари Холид Машаал, «Ал-Ҳаёт» араб газетасига берган интервюсида. — Аммо сира Исроил билан музокаралар олиб борилмайди».

Шу ўринда, Холид Машаал музокаралар тенг равишда ва ҳеч қандай олдиндан қўйиладиган шартларсиз ўтказилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Холид Машаал, шунингдек, Фаластинга Эрон ҳамда бошқа араб ва ислом давлатлари молиявий кўмак беришни ваъда қилганликларини ҳам алоҳида таъкидлаган.

Аммо ўтган якшанба куни хориж оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларда Фаластин Бош вазири Исмоил Ханиянинг Исроилни тан олиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқатилган эди. Исроилни тан олиш шарти сифатида эса Исроилнинг Фаластин давлатини 1967 йилдаги чегаралари билан тан олиши, Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва шарқий Иерусалимдан аскарларни олиб чиқиб кетиши кўрсатилган. Ханиянинг фикрича, Иерусалим Фаластин давлатининг пойтахти бўлиши керак.

«Агар Исроил фаластинликларга давлатчилик бериб, ҳуқуқларини қайтариб берса, биз уни тан олишга тайёрмиз», — деган Хания.

Исроил расмий доиралари Бош вазирнинг бу гапларини «нутқ гимнастикаси» дея баҳолаган.

Шу билан бирга, Фаластин миллий мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос, агарда «Хамас» ташкилоти ҳукумати билан умумий тил топа олмаса, ўз вазифасидан кетишини маълум қилган. Эслатиб ўтамиз, Маҳмуд Аббос 2005 йил январда тўрт йиллик муддатга мухторият президенти этиб сайланганди.

Яқин Шарқда вазият чигаллигича қолмоқда.

АҚШ: МАҲБУСЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

АҚШ Мудофаа вазири Доналд Рамсфелд «Гуантанамо» қамоқхонаси маҳбуслари рўйхатини тайёрлашга буйруқ берди.

Бу рўйхатда терроризмга алоқадорликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган ҳар бир маҳбуснинг миллати ҳам кўрсатилади.

Ўтган йилиёқ «Ассошиэйтед пресс» агентлиги вакиллари «Гуантанамо» маҳбуслари рўйхатини эълон қилишни талаб қилиб, АҚШ Мудофаа вазирлигини судга беришганди.

Маҳбусларнинг кўпчилиги ўз розилигини берганидан сўнг, Нью-Йорк федерал суди Пентагонга маҳбуслар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш мажбуриятини юклаганди. Бу ҳақда «НТВ» телекомпанияси ҳабар беради.

Қирғизистон: ПАРЛАМЕНТ СПИКЕРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Қирғизистон Парламенти спикери Омурбек Текебаев истеъфога чиқди. Бундан олдин ҳам Текебаев икки бора парламент депутатларидан уни истеъфога чиқаришларини сўраганди, аммо депутатлар буни рад этишганди.

Парламент спикерининг бундай қарорга келишига мамлакат президенти Курманбек Бакиев билан ўрталарида ўтган жанжал сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

2005 йилнинг январида парламент спикери этиб сайланган Текебаевнинг ўзи бунга сабаб сифатида «истеъфони давлат президенти ва бош вазири талаб қилганини» кўрсатган.

Шу йил феврал ойининг бошларида Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев парламент фаолиятини қаттиқ танқид остига олганди. «Бунга жавобан спикер Бакиевни танқид қилади. Шундан сўнг спикер истеъфога чиқишга қарор қилди», деб хабар беради «Итар-тасс» ахборот агентлиги. Бош вазир Феликс Кулов эса спикернинг сўзларини мамлакат президенти шаънига айтилган ҳақорат дея баҳолаган.

Қирғизистон Бош прокурори Қамбарали Конгантиев парламент спикери Текебаевни бу сўзлари учун судга беришга ваъда қилган эди.

Президент маъмурияти вакиллари Текебаевнинг истеъфога чиқиши спикер ва президент ўртасида чиққан бу можарога барҳам беришини маълум қилишган. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар беради.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланишт» демократик партияси

Миллий тикланишт — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2117
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00